

Тавҳид қалимасининг фазилатлари

«Калиматут-тавҳид, фазоилуха ва мадлууха ва шурутуха ва навокизуха» китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – اُزبکي]



Абдурраззоқ ибн Абдулмуҳсин ал-
Бадр



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий
Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

فضائل كلمة التوحيد

مقتبس من كتاب "كلمة التوحيد لا إله إلا الله فضائلها ومدلولها وشروطها ونواقتها"

[الأوزبكي – Uzbek –]



عبد الرزاق بن عبد المحسن البدر

٤٣٩

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Муқаддима

Бутун оламлар Робби бўлган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Мен: «Шериксиз якто Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси» эканига гувоҳлик бераман. Аллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳга кўплаб салому салавотлар ёғдирсин!

Сўнг ...

Ушбу рисола сўзларнинг энг хайрлиси, фазилатлиси, муazzами ва энг фойдалиси бўлмиш Тавҳид калимаси «Ла илаҳа иллаллоҳ»нинг фазилатлари, маънолари, шартлари ва бузувчилари ҳакида айтилган гапларнинг қаймоғини ўз ичига олади. Аслида, ушбу рисола, айрим фазилатли биродарларимизнинг таклифига биноан ҳамда фойдаси кенгроқ ва тушунилиши осонроқ бўлиши умидида, каминанинг «Фиқхул адъияти вал-азкаар» китобимдан ажратиб олингандир.

Аллоҳ таолодан бу рисолага баракаларини ёғдириши, истаган қулларига ҳидоят дарвозаси қилиши, бунинг воситасида бизларни ҳам Ўзи инъомлар ато этган пайғамбарлар, сиддиклар, шаҳидлар, солиҳлар йўлига ҳидоятлашини тилайман. — Улар қандай ҳам яхши дўстлардир! — Аллоҳ биз учун етарлидир!

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, унинг оиласи ва бутун асҳобларига салавоту саломлар йўлласин!

Абдурраззоқ ибн Абдулмуҳсин ал-Бадр

Тавхид калимаси «Ла илаха иллаллоҳ»нинг фазилатлари

Бу буюк калиманинг муazzам ва бебаҳо фазилатлари, сон-саноқсиз хусусиятлари бўлиб, уларни адодигача санашга ҳеч кимнинг кучи етмайди.

Бу калима — калималарнинг энг афзали, буюги ва муazzами бўлиб, у учунгина маҳлукотлар яратилган, элчи-пайғамбарлар юборилган ва илоҳий китоблар туширилган.

Бу калима билан одамлар мўмин ва кофирларга, баҳтиёр ва баҳтиқароларга ажралганлар.

Бу калима — мустаҳкам арқон, иймон тармоқларининг энг муҳими, жаннатни қўлга киритиш ва жаҳаннамдан кутулиш йўли, шаҳодат калимаси, саодат диёрининг очқичи, диннинг асли, асоси ва чўққисидир.

Бу калиманинг фазилатлари ва диндаги мавқеи таърифлаганларнинг таърифи, орифларнинг билганлари устиладир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمُ قَائِمًا ﴾
 ﴿ بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан хукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У қудратли, ҳикмат Эгасидир» (Оли Имрон: 18).

Қуръони Каримда бу калиманинг фазилатлари ҳақида, Аллоҳ таолонинг уни пайғамбарлар чакириғининг қаймоги ва хулосаси қилгани баён қилинган:

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا ﴾
 ﴿ فَاعْبُدُونِ ﴾

«(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Хеч қандай илоҳ йўқ, магар Менгина бордирман, бас Менгагина ибодат қилинглар», деб ваҳий юборгандирмиз» (Анбиё: 25);

﴿ وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا
 الطَّاغُوتَ ﴾

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва шайтондан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганимиз» (Наҳл: 36);

﴿ يُنَزَّلُ الْمَلَائِكَةُ بِالرُّوحِ مِنْ أَمْرِهِ عَلَى مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ أَنَّ
 أَنْذِرُوا أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاتَّقُونِ ﴾

«(Аллоҳ) Ўз амри-иродаси билан Ўзи хоҳлаган бандаларига фаришталарни (шундай) ваҳий билан туширур: («Эй пайғамбарларим, инсонларни) огоҳланти-рингларки, хеч қандай илоҳ йўқ, факат Мен Ўзимгина бордирман. Бас, (барчаларингиз) Мендангина қўрқингиз!»» (Наҳл: 2).

Бу сурадаги оят, Аллоҳ таоло илк ўлароқ бандаларига ёғдирган неъматларни санагани ва бу неъматга эришиш

Аллоҳ таолонинг бандаларига мўл қилган тавфиқи билангина мумкин эканига далолат қилмоқда:

﴿ وَأَسْبَغَ عَلَيْكُمْ نِعْمَةً ظَاهِرَةً وَبَاطِنَةً ﴾

«... ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (яъни, моддий-маънавий) неъматларини комил қилиб берганини кўрмадингларми?!» (Луқмон: 20).

Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ ушбу оятдаги **«неъматлар»**ни «Ла илаҳа иллаллоҳ (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ)» калимаси, дея тафсир қилди (Ибн Жарир тафсири, 11/78).

Суфён ибн Уйайна раҳимаҳуллоҳ: «Аллоҳ таоло бандаларидан бирига «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ)» эканини танитганидан кўра каттароқ неъмат бермаган», деди (Ибн Ражаб «Калиматул ихлаас», 53).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан: Аллоҳ таоло тавҳид калимасини «ширин (яхши) сўз» деб атади ва деди:

﴿ أَلَمْ تَرَ كَيْفَ ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِكَلْمَةً طَيِّبَةً كَشَجَرَةً طَيِّبَةً أَصْلُهَا ثَابِتٌ وَقَرْعُهَا فِي السَّمَاءِ ثُوْقٌ أُكْلَهَا كُلَّ حِينٍ يُأْذِنُ رَبَّهَا وَيَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَالَ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴾

«(Эй инсон), Аллоҳ яхши Сўзга (яъни, иймон калимасига) қандай мисол келтирганини қўргин: у Сўз худди бир асил дараҳтга ўхшайдики, унинг илдизи (Ер остига) маҳкам ўрнашган, шохлари эса осмонда бўлиб, Парвардигорининг изни-иродаси билан мудом мева берур. Аллоҳ одамлар эслатма-ибрат олишлари учун мана шундай мисоллар келтирур» (Иброҳим: 24, 25).

❖ Бу калима — Аллоҳнинг ушбу оятида сабит бўлган қавлдир:

﴿ يُبَشِّرُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا بِالْقُوْلِ التَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَيُضْلِلُ اللَّهُ الظَّالِمِينَ وَيَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ ﴾

«Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) билан сабитқадам қилур. Золимларни эса Аллоҳ (ҳак) йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур» (Иброҳим: 27).

❖ Бу калима — Аллоҳнинг ушбу қавлидаги аҳддир:

﴿ لَا يَمْلِكُونَ الشَّفَاعَةَ إِلَّا مَنِ اتَّخَذَ عِنْدَ الرَّحْمَنِ عَهْدًا ﴾

«(У кунда) фақат Раҳмон наздида аҳду-паймон олган, (Аллоҳни бир билиб зиммаларидағи фарзларни адо этган) кишиларгина шафоат қилишга эга бўлурлар» (Марям: 87).

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анхунинг: “Аҳду-паймон” — “Ла илаҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир) калимаси бўлиб, вазиятларнинг ўзгариши ва кучкүвват учун Аллоҳ азза ва жаллага йўналишдир ва бу барча тақвонинг чўйқисидир», дегани ривоят қилинган (Табароний «ад-Дуъа», 3/1518).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан бири, у мустаҳкам ҳалқа бўлиб, уни ушлаган одам нажот топади, ушламаган одам эса ҳалокатга учрайди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَمَنْ يَكْفُرُ بِالْطَّاغُوتِ وَرُؤْمَنْ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَى ﴾

«Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди» (Бақара: 256);

﴿ وَمَنْ يُسْلِمْ وَجْهُهُ إِلَى اللَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ ﴾

﴿ الْوَثْقَى ﴾

«Ким чиройли амал қилгувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас, у мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Барча ишлар охир-оқибатда ёлғиз Аллоҳга борур» (Луқмон: 22).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан яна бири, у Аллоҳнинг фидокор дўсти Иброҳим алайхиссалоту вассалом ўзидан кейингилар учун шояд (Аллоҳнинг йўлига) қайтарлар дея мангу қолдирган калимадир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ إِنِّي بَرَاءٌ مِمَّا تَعْبُدُونَ • إِلَّا الَّذِي

فَطَرَنِي فَإِنَّهُ سَيَهْدِينِ • وَجَعَلَهَا كَلِمَةً بَاقِيَةً فِي عَقِبِهِ لَعَلَّهُمْ

﴿ يَرْجِعُونَ ﴾

«Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: «Албатта мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покдирман. Магар мени яратган зоттагина (ибодат қилурман). Бас, албатта У мени (ҳақ динга) ҳидоят қиласажак». У (Иброҳим) ўшани (яъни, ўзининг ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиши ҳақидаги сўзни ўзидан кейин келадиган зурриёт-авлодлари ҳам унга) қайтишлари учун ўз ортида қолгувчи сўз қилди» (Зухруф: 26 – 28).

❖ Бу калима — Аллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асхобларига фарз қилган — тақво калимаси бўлиб, улар бунга энг лойиқ ва ҳақдор эдилар. Аллоҳ таоло айтди:

﴿إِذْ جَعَلَ اللَّذِينَ كَفَرُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْحُمَىَّةَ حَمِيمَةَ الْجَاهِلِيَّةِ فَأَنْزَلَ

اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَى رَسُولِهِ وَعَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَأَلْزَمَهُمْ كَلِمَةَ التَّقْوَىِ

﴿وَكَانُوا أَحَقُّ بِهَا وَأَهْلَهَا وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا﴾

«Ўшанда кофир бўлган кимсалар дилларига қизиққонликни — динсизлик қизиққонлигини солганинг ларида (яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар эканликларини инкор этишиб, мусулмонларни Маккага киришдан тўғсанларида) **Аллоҳ Ўз пайғамбари**ning ва мўминларнинг устига Ўз сакинат — оромини туширди ва уларга тақво калимасини (яъни, ла илаҳа иллаллоҳ калимасини) лозим қилди. Улар ўша (калима)га жуда ҳақдор ва аҳл-войиқ эдилар. Аллоҳ барча нарсани билгувчи бўлган Зотдир» (Фатҳ: 29).

Абу Исҳоқ Сабиъий раҳимаҳуллоҳ айтди: Амр ибн Маймувн раҳимаҳуллоҳ: «Одамлар «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) жумласидан кўра афзалроқ жумлани айтмаганлар», деди. Саъд ибн Иёз раҳимаҳуллоҳ: «Эй Абу Абдуллоҳ, у нима эканини биласизми? Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, у Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асхобларига фарз қилган ва улар унга лойиқ ва унинг аҳли бўлган тақводир», деди (Табароний «ад-Дуъа», 3/1533).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан яна бири, бу калима — тўғриликнинг энг чўққиси ва ғояси дир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ يَوْمَ يَقُومُ الرُّوحُ وَالْمَلَائِكَةُ صَفًا لَا يَتَكَلَّمُونَ إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ ﴾

﴿ الرَّحْمَنُ وَقَالَ صَوَابًا ﴾

«Рұх (Жаброил) әзірлеуші (барча) фаришталар сағтап тортыбында қарастырылған Кунда улар (инсонлар) У зотдан (Аллоҳдан) құрқиб бирон сөз айтишга қодир бўлмаслар. Улар сўзлай олмаслар, факат У Мехрибон зот изн берган кишиигина (сўзлар) әзірлеуші (факат) рост сўзни айтурса» (Набаъ: 28).

Алий ибн Талҳа раҳимахуллоҳ Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анхүнинг Аллоҳ таолонинг:

﴿ مَنْ أَذِنَ لَهُ الرَّحْمَنُ وَقَالَ صَوَابًا ﴾

«У Мехрибон зот изн берган кишиигина (сўзлар) әзірлеуші (факат) рост сўзни айтурса» (Набаъ: 28) ояти ҳақида: «Факат, Аллоҳ таоло «Ла илаха иллаллоҳ» гувохлиги билан изн берган (кишиларгина гапира оладилар). У — ростликнинг чўққисидир», деганини ривоят қилди (Табароний «ад-Дуъа», 3/1520).

Икрима раҳимахуллоҳ: «Ростлик — «Ла илаха иллаллоҳ»дир», деди (Табароний «ад-Дуъа», 3/1520).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан яна бири, бу калима — Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятида тилга олинган ҳақиқий дуодир:

﴿ لَهُ دَعْوَةُ الْحُقُّ وَالَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ لَا يَسْتَجِيبُونَ لَهُمْ بِشَيْءٍ ﴾

﴿ إِلَّا كَبَاسِطِ كَفَيْهِ إِلَى الْمَاءِ لِيَبْلُغَ فَاهُ وَمَا هُوَ بِبَالِغِهِ وَمَا دُعَاءُ ﴾

﴿ الْكَافِرِينَ إِلَّا فِي ضَلَالٍ ﴾

«Хақиқий дуо-илтижо факат Унга қилинур. Ундан ўзга — (мушриклар) дуо-илтижо қилаёттган бутлар у мушрикларнинг биронта дусини мустажоб қилмас. Илло улар бир кимсага ўхшайдиларки, у кимса кафтларини сувга ёзиб, у сув оғзига етишини кутиб турар. Ҳолбуки, у (сув) унинг оғзига етгувчи эмасдир. (Яъни, худди сув жонсиз нарса бўлгани туфайли ташна кишининг ҳолидан бехабар бўлиши, бинобарин, унинг оғзига бориб етмагани каби у мушриклар дуо-илтижо қиласидиган бутлари ҳам жонсиз нарса бўлганлари сабабли уларнинг дуоларини эшитмас — мустажоб қилмас.) Бундай коғирларнинг дуолари мутлақо бефойда — хатодир» (Раъд: 14).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан бири, бу калима — Ислом ахли атрофида тўпланган, унга кўра дўстлашиб, душманлашган, суюб, нафрат қилишган ҳақиқий алоқадир. Бу калима сабабли Ислом жамияти бир тана, бир-бирини мустаҳкамлаган бино янглиф бўлгандир.

Шайх аллома Мұхаммад Амин Шанқитий раҳимахуллоҳ «Азваул баян» китобида шундай деган: «Парчаларни тўплайдиган ва фарқли нарсаларни бирлаштирадиган алоқа — «Ла илаха иллаллоҳ» уюшмасидир. Ахир кўрмайсизми, бу алоқа исломий жамиятнинг барча аъзосини ягона жасаддек бирлаштириб, бир-бирини маҳкам тутган бинога айлантириди. Ўрталаридаги катта фарқ бўлишига қарамай Арш ҳаммоллари ва Арш атрофидаги фаришталарнинг кўнгиллари Ер юзидаги одамзот учун меҳрга тўлди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿الَّذِينَ يَحْمِلُونَ الْعَرْشَ وَمَنْ حَوْلَهُ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ
وَيُؤْمِنُونَ بِهِ وَيَسْتَغْفِرُونَ لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا وَسَعْتَ كُلَّ شَيْءٍ رَحْمَةً
وَعِلْمًا فَاعْفِرْ لِلَّذِينَ تَابُوا وَاتَّبَعُوا سَبِيلَكَ وَقِيمُ عَذَابِ الْجَحِيمِ﴾

رَبَّنَا وَأَدْخِلْهُمْ جَنَّاتٍ عَدْنٍ أَلَيْ وَعَدْتَهُمْ وَمَنْ صَلَحَ مِنْ آبَائِهِمْ
وَأَرْوَاحِهِمْ وَدُرْرَيَّا تِهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ • وَقَهْمُ السَّيِّئَاتِ
وَمَنْ تَقِ السَّيِّئَاتِ يَوْمَئِذٍ فَقَدْ رَحْمَتَهُ وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿۶﴾

«Аршни күтариб турадиган ва унинг атрофидаги (фаришталар) Парвардигорларига ҳамду сано айтиши билан (У зотни барча айбу нуқсонлардан) поклаб-тасбех айтурлар ва У зотга иймон келтирурлар, ҳамда иймон келтирган кишиларни мағфират қилишини сўрарлар: «Парвардигоро, Ўзинг раҳмат-мехрибонлик ва илм жиҳатидан барча нарсадан кенгдирсан. Бас, тавбатазарруъ қилган ва Сенинг йўлингга эргашган кишиларни Ўзинг мағфират қилгин ва уларни дўзах азобидан сақлагин. Парвардигоро, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти халоллари ва зурриётлари орасидаги солих-мўмин бўлган кишиларни ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган мангу жаннатларга дохил қилгин. Албатта Сенинг Ўзинггина қудрат ва хикмат соҳибидирсан. Ўзинг уларни барча ёмонликлардан асрагин. Кимни ўша Кундаги (Қиёматдаги) ёмонликлардан асрасанг, бас, ҳақиқатан унга раҳм-шафқат қилибсан. Мана шу буюк баҳтдир»» (Фоғир: 7 – 9).

Оятлар Арш ҳаммоллари ва Арш атрофидаги фаришталар билан, Ер юзидағи одамзот ўртасини боғлаган алоқа — Аллоҳ таолога бўлган иймон борлиги, шунинг учун ҳам улар Аллоҳ таолога ушбу муazzам тилаклар билан илтижо қилганига ишора қилмоқда.

Шавконий раҳимахуллоҳ давом этиб шундай дейди: «Хуллас, ер ахлининг ҳам, ер аҳли билан само ахлини бирбирига боғлаб турган восита ҳам, «Ла илаха иллаллоҳ»дир. Шунинг учун, ундан бошқа чақириқ билан чақириш жоиз бўлмайди, албатта» («Азвааул баяан» 3/447, 448).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан бири, бу калима — ҳасанотларнинг энг афзалидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿مَنْ جَاءَ بِالْحُسْنَةِ فَلَهُ خَيْرٌ مِّنْهَا﴾

«Ким яхшилик билан келса, бас, унинг учун ўша (яхшилигидан) яхшироқ мукофот бўлур» (Намл: 89).

Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Хурайра разияллоҳу анҳум ва бошқаларнинг: «Ҳасанотдан мақсад — «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир), демакдир» деганлари накл қилинган (Табароний «ад-Дуъа», 3/1497, 1498).

Икрима раҳимаҳуллоҳ Аллоҳ таолонинг:

﴿مَنْ جَاءَ بِالْحُسْنَةِ فَلَهُ خَيْرٌ مِّنْهَا﴾

«Ким яхшилик билан келса, бас, унинг учун ўша (яхшилигидан) кўра яхшироқ мукофот бўлур» (Намл: 89) ояти ҳақида: «У (ҳасанот) — «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир) жумласидир. (Буни айтган одамга) ундан кўра яхшироқ нарсалар ҳам бор. Чунки “Ла илаҳа иллаллоҳ”дан кўра яхшироқ нарса йўқдир», дегани ривоят қилинган (Ибн Банно «Фазлут таҳлил ва саваабухул жалил», 74).

(Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳнинг) Муснад(и) ва бошқа асарларда Абу Зарр разияллоҳу анхудан ушбу ҳадис накл қилинган: Мен: Ё Расулуллоҳ, менга мени жаннатга яқинлаштириб, жаҳаннамдан узоқлаштирадиган амални ўргатмайсизми?!?, деб сўраганимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «Агар ёмонлик (гуноҳ) қилсанг, унинг оркасидан битта яхшилик кил. Ўша яхшиликнинг ўн баробар ортиқ савоби бор!», деб жавоб бердилар. Мен: “Ла илаҳа иллаллоҳ” ҳам ҳасанотларга кирадими?, деб сўрасам: «Ҳа, у — ҳасанотларнинг ҳасанотидир», дедилар («ал-

Муснад», 5/169, Табароний «ад-Дуъа», 1498. Ҳадис лафзи Табароний раҳимаҳуллоҳнидири).



Тавҳид калимасининг Суннатда келган бошқа фазилатлари

Биз юкорида тавҳид калимаси — «Ла илаха иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) жумласининг Куръони Каримда келган фазилатларининг айримларини айтиб ўтдик: бу муazzам калима боис Еру осмонлар тикланди, бутун махлукотлар яратилди, пайғамбарлар юборилиб, китоблар нозил қилинди, шариатлар жорий қилинди, тарозилар кўйилиб, номалар ёзилди, жаннат ва жаҳаннам бозори қизиди ва одамлар мўмин ва кофир, яхши ва ёмонга айрилди. Бу калима яралиш, буюриш, савоб ва жазонинг манбаидир. У — миллат асосланган, қибла қурилган, аввалиги-ю охиргилар маҳшарда сўроқланадиган ҳақиқатдир. У кунда Аллоҳ ҳузурида турган банданинг оёқлари «Нимага ибодат қилар эдингиз?» ва «Пайғамбарларга қандай жавоб берган эдингиз?» саволларига жавоб бермагунича ердан узилмайди...

Биринчи: «Нимага ибодат қилар эдингиз?» саволига берилган жавоб, «Ла илаха иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) калимасини билим, икror ва амал нуқтаи назаридан ҳаётга татбиқ қилишдир.

Иккинчи: «Пайғамбарларга қандай жавоб берган эдингиз?» саволининг жавоби эса, «Албатта, Мұҳаммад — Аллоҳнинг элчисидир» жумласини билим, икror, эргашиш ва итоат нуқтаи назаридан ҳаётга татбиқ қилишдир.

Тавҳид калимаси — «Ла илаха иллаллох» (Аллоҳдан бошқа илох йўқ)нинг фазилатлари, банда санай олмайдиган даражада кўпдир. Унга бу дунё ва у дунёда бериладиган ажру савоб ва фойдаларнинг ҳеч бири одамзотнинг хаёлига келмаган. Шундай бўлсада, мен бу калиманинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида ворид бўлган фазилатларидан бир дастасини тақдим этмоқчиман.

❖ Бу калиманинг фазилатларидан бири, бу калима икки «Сахих» ҳадислар девонида Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилинган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларига кўра, амалларнинг энг афзали, савоблари кўпи, (савоби) қулни озод қилишга тенг ва уни айтган одамга шайтондан қалқондир: «Ким бир кунда: «Шериксиз ягона Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, эгадорлик ва бутун ҳамдлар Унингдир. У ҳар нарсага қодирдир», дея юз марта айтса, унга юзта қулни озод қилиш савоби бўлади, юзта ҳасанот ёзилиб, юзта ёмонлиги (гуноҳи) ўчирилади ва бу (айтиши) ўша куни то оқшомгача унга шайтондан қалқон бўлади. (Қиёмат кунида) бундан кўра кўпроқ амал қилган одамгина ундан афзалроқ бўлади. (Бўлмаса, йўқ)» (Имом Бухорий, 6403, Имом Муслим, 2693).

Мазкур икки девонда Абу Айюб Ансорий разияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадислари ҳам ривоят қилинган: «Ким у (тавҳид калимаси)ни ўн марта айтса, Исмоил ўғилларидан ўнта қулни озод қилган кишидек (савобга эга) бўлади» (Имом Бухорий, 6404, Имом Муслим, 2693).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан яна бири, бу калима пайғамбарлар — соллаллоҳу алайҳим ва салламлар — айтган жумлаларнинг энг афзалидир. Бунинг исботи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ушбу ҳадисдир: «Мен ва пайғамбарлар Арафа туни айтганимиз энг афзал нарса: «Шериксиз ягона Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ, эгадорлик ва бутун ҳамдлар

Унингдир. У ҳар нарсага қодирдир» (жумласидир)» (Алий разияллоҳу анху ривояти. Табароний «ад-Дуъа», 874).

Бошқа бир ривоятда: «Дуоларниг энг яхшиси, Арафа кунидаги дуодир. Мен ва мендан аввалги пайғамбарлар айтган нарсаларнинг энг яхшиси: «Шериксиз ягона Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ, эгадорлик ва бутун ҳамдлар Унингдир. У ҳар нарсага қодирдир» (жумласидир)» [Термизий «Сунан», 3585. Бу ҳадисни шайх Албоний «ас-Силсилатус Саҳиҳа»да ҳасан ва: «Бу ҳадис, бутун гувоҳлар билан сабитдир», деган (4/7, 8)].

❖ Бу калиманинг фазилатларидан бири, бу калима, «Муснад», Термизийнинг «Сунан» ва бошқа ҳадис девонларида яхши санад билан Амр ибн Ос разияллоҳу анхудан нақл қилинган ҳадисда айтилганидек, Қиёмат кунида гуноҳ номаларини босиб кетади: «Умматимдан бир одамни Қиёмат куни халойиқ кўзи ўнгига чақирилади ва унинг тўқсон тўққизта номаси очилади. Уларнинг ҳар бири кўз тушадиган жойгача узун бўлади. Сўнгра, Аллоҳ таборака ва таоло унга: «Буларни инкор этасанми?», деб сўраганида: «Йўқ, Роббим», деб жавоб беради. Аллоҳ азза ва жалла: «Ҳа, бизда сенга тегишли битта ҳасанот бор! Сенга зулм қилинмайди», дейди ва унга «Ашҳаду ан лаа илаха иллаллоҳ ва анна Мухаммадар расулуллоҳ» (Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ ва Мухаммад Аллоҳнинг элчисидир, дея гувоҳлик бераман) (ёзувлари ёзилган) гувоҳнома чиқарилади. Одам: «Роббим, бу номалар олдида бу гувоҳноманинг нима иши бор?», деб сўрайди. Аллоҳ азза ва жалла: «Дарҳаққиат, сенга зулм қилинмайди!», дейди ва номаларни тарозининг бир палласига, гувоҳномани эса бошқа палласига қўйилади. Номалар енгил келиб, гувоҳнома уларни босиб кетади» («Муснад», 2/213, Термизий «Сунан», 2639, Ибн Можа «Сунан», 4300. Шайх Албоний бу ҳадисни «Саҳиҳул жомеъ»да сахиҳ деди, 8095).

Бу одам гуноҳ номаларини босиб кетадиган ва «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ) ёзилган гувоҳномани оладиган даражада чин юракдан иймон келтириди. Ҳолбуки, бандалар кўнгилларидағи иймонларига қараб килаётган амалларида бир-бирларидан устун бўладилар. Қалбидаги иймони заиф бўлгани боис, «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни талафуз қилган қанча-қанча одамларга бундай неъмат берилмайди. Икки «Саҳих» ҳадислар девонида Анас ибн Молик разияллоҳу анхунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ушбу ҳадис нақл қилинган: «Жаҳаннамдан «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ) деган ва қалбида арпа (донаси) оғирлигига яхшилик бўлган кимса чиқади. Жаҳаннамдан «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган ва қалбида буғдой (донаси) оғирлигига яхшилик бўлган кимса чиқади». Жаҳаннамдан «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган ва қалбида зарра оғирлигига яхшилик бўлган кимса чиқади» (Имом Бухорий, 44, Имом Муслим, 193, 325). Бундан «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган одамларнинг амаллари кўнгилларидағи иймонга қараб хилма-хил бўлиши равшан бўлмоқда.

❖ Бу калиманинг фазилатларидан бири, бу калима Еру осмонлар билан бирга тортилса, «Муснад»да Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анхумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисга кўра, уларни босиб кетади: «Нух алайҳиссалом ўлими олдидағи ўғлига: «Мен сени «Ла илаҳа иллаллоҳ»га буюраман. Етти (қават) осмон ва етти (қават) Ер бир паллага, «Ла илаҳа иллаллоҳ» (бошқа) паллага қўйилса, уларни «Ла илаҳа иллаллоҳ» босиб кетади. Агар етти (қават) осмон қуйилган ҳалқа бўлса, «Ла илаҳа иллаллоҳ» уни узиб ташлайди», деди» («Муснад», 2/170, Шайх Албоний бу ҳадисни «Саҳихул жомеъ»да сахих деди, 1340).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан бири, бу калима билан Аллоҳ орасида парда йўқдир. Ҳатто у пардаларни

йиртиб, Аллоҳ таолога улашади. Термизийнинг «Сунан»ида Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ҳасан санад билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилинган ушбу ҳадис бор: «Банда «Ла илаҳа иллаллоҳ» (жумласи)ни қачон катта гуноҳлардан эҳтиёт бўлиб самимий айтар экан, унга само дарвозалари Аршга етадиган даражада очилади» (Термизий «Сунан», 3590, Шайх Албоний бу ҳадисни «Саҳиҳул жомеъ»да сахих деди, 5648).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан бири, бу калима уни айтган одам учун жаҳаннамдан нажотдир. Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» ҳадислар девонида шундай дейилган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззиннинг: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ эканига гувоҳлик бераман» деганини эшигчаг: «Жаҳаннамдан чиқди!», дедилар» (Имом Муслим, 382).

Икки «Саҳиҳ» ҳадислар девонида Утбон разияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадиси келтирилган: «Дарҳақиқат, Аллоҳ жаҳаннамга Аллоҳ ризоси учун «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган одамни ҳаром қилди» (Имом Бухорий, 6938, Имом Муслим, 33, 263).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан яна бири, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу калиманинг зикрларнинг энг афзали эканини айтдилар. Термизий ва бошқалар Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ушбу ҳадисни ривоят қилдилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Зикрларнинг энг афзали — «Ла илаҳа иллаллоҳ», дуоларнинг энг афзали эса «Алҳамду лилах» (Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!)дир» деганларини эшигтанман» (Термизий, 3383, Ибн Можа «Сунан», 3800. Шайх Албоний раҳимахуллоҳ бу ҳадисни «Саҳиҳул жомеъ»да сахих деган, 1104).

❖ Бу калиманинг фазилатларидан бири, уни чин юракдан айтган кимса Қиёмат кунида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатлари билан баҳтиёр бўлади. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу шундай ривоят қилган: «Ё Расулуллоҳ, Қиёмат кунида сизнинг шафоатингиз билан энг баҳтиёр бўладиган одам ким?», деб сўрасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Абу Ҳурайра, сенинг ҳадисга бўлган эътиборинг боис бу ҳақда сендан илгари бирон кимсанинг сўрамаслигини ўйлар эдим. Одамларнинг Қиёмат кунида менинг шафоатим билан энг баҳтиёр бўлгани — чин юракдан ёки самимий суратда «La ilâha illâ Allâh», деб айтганларидир», деб жавоб бердилар (Имом Бухорий, 99).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур қавлларидағи «чин юракдан ёки самимий суратда «La ilâha illâ Allâh», деб айтганларидир» жумласи бу калима қуруққина тил билан талаффуз қилган одамдан қабул қилинмаслиги, балки унинг Қуръон ва Суннатда баён қилинган шартлари ва заруратларини амалга ошириш кераклигига далолат қиласи. Ўшандагина, бу калима уни айтган одамдан қабул қилинади.

